



O`zbekiston Respublikasi Prokuraturasi  
FARG'ONA VILOYAT  
PROKURATURASI

Фаргона шаҳар 1-сон тергов  
ҳибсхонаси бошлиғи  
А.Э.Узақовга  
(Айбланувчи М.Тожибоевага эълон қилиш у-н)  
Нурматова Дилафрўзга  
Фаргона ш,А.Навоий к13-уй 431-х,

712001. Фаргона шаҳар, Ф.Шамсудинов  
кучаси 6-уй Тел: 24-46-23 24-34-83

№ 18-05 2005 йил « 13» декабрь

Сизнинг, Фаргона вилоят прокуратураси томонидан 07.10.2005 йилда Марғилон шаҳар Зухро кўчаси 31-уй 32-хонадонда яшовчи Таджибоева Муътабархон Ибрагимовнага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 165-моддаси 2-қисми «б» банди билан қўзғатилган жиноят иши бўйича унинг томонидан Марғилон шаҳар миллий банкдан олган кредит маблағларини талон-торож қилганлик эпизодига оид процессуал ҳужжатлардан нусха беришни талаб қилиб ёзган телеграммангизни ўрганиб чиқдим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 53,46 моддаларига кўра айбланувчи ва унинг ҳимоячиси жиноят иши бўйича гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатларни талаб қилиб олишга ва улар билан танишишга ҳақлидир, лекин жиноят ишига доир бошқа материаллар билан танишиш, улардан маълумотлар ёзиб олиш дастлабки тергов тамом бўлгандан кейин амалга оширилади.

Бундан ташқари, ушбу жиноят иши бўйича ҳимоячи Маҳбубов Ҳ.нинг илтимосномасига кўра Сизлар талаб қилган ҳужжатлар танишиб чиқиш ва тегишли маълумотлар ёзиб олиш учун тақдим этилган.

Агар ушбу ҳужжатлар билан кўшимча равишда процессуал ҳужжатларни ўрганмоқчи бўлсангиз вилоят прокуратураси биносига келиб танишиб чиқишингиз мумкинлигини билдираман.

Фаргона вилоят прокуратурасининг  
жиноятларни тергов қилиш бўлими  
бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси:-

Н.М.Сулаймонов